17 АПР 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП
ТОШКЕНТ ШАҲАР
КОМИТЕТИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТИНИНГ
ОРГАНИ

№ 87 (5378).
16
Апрель, 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

Яшасин улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализми!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

5. Жаҳон социализми — халқаро пролетариат ва миллий-озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

6. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарори!

7. Мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

8. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардонавор курашаётган халқларга қардошлик саломи!

9. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

10. Озодлик, демократия ва социализм учун курашиб, фашист зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

11. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессия ва зўравонликка қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танг вазиятлар манбаларини тугатиш учун қатъият билан курашингиз!

12. Империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Жанубий Африка ва Намибия халқларига озодлик!

13. Империализм ва реакцияга қарши, тинчлик ва ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

Жаҳон халқлари! АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини ва Америка қўшинлари Гренададан олиб чиқиб кетилишини талаб қилингиз!

14. Араб мамлакатларининг халқлари! Исроил агрессиясига ва империализм ҳукмронлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштирингиз!

Совет-Араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

15. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари босиб олган барча араб ерларидан олиб чиқиб кетилишига, Ливан ва бошқа араб мамлакатларининг ишларига империалистларнинг аралашуви тўхтатилишига эришингиз!

Фаластинлик араб халқининг адолатли кураши билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик бўлсин!

16. Европа мамлакатларининг халқлари! Американинг янги ядро ракеталари Ғарбий Европадан олиб чиқиб кетилиши учун курашни кучайтирингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик қарор топсин!

17. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализмга, янги мустамлакачилик ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

18. Жаҳон халқлари! Империализм агрессив кучларига қарши, ядро уруши хавфини бартараф қилиш учун курашни кенг авж олдирингиз! Ядро, химия қуроллари ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлашни талаб қилингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, кескинликни юмшатиш ва тинчликни сақлаб қолайлик!

19. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Совет Тинчлик программасини амалга оширайлик!

20. Коммунизм бунёдкори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

21. Коммунистлар! Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

Ривожланган социализм жамиятини ҳар томонлама такомиллаштириш — партия билан халқнинг стратегик вазифаси!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! 1984 йил планини ва умуман беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарайлик!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш планини ошириб бажариш учун сабот билан курашингиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштирингиз! Фан, техника ютуқларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этингиз!

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Машина ва ускуналардан фойдаланишни яхшилашга эришингиз!

Янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш учун курашингиз!

26. Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашингиз! Моддий, энергетика,меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланингиз!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш учун меҳнат коллективларининг ҳуқуқларидан тўлиқроқ фойдаланингиз!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришда актив қатнашингиз!

Шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишига эришингиз!

29. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Уюшқоқликни ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан кучайтирингиз!

Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдорларча, ватанпарварлик меҳнати билан мустаҳкамлайлик!

30. Ёқилғи-энергетика комплекси ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, электр энергия ҳосил қилишни кўпайтирингиз!

31. Совет металлурглари! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

Сифатни оширингиз, тежамли металл маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтирингиз!

32. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштирингиз!

33. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалиги билан аҳолининг химия маҳсулотлари ва материалларига эҳтиёжини тўла таъминлаб турингиз!

34. Саноат ходимлари! Аҳоли учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олингиз, молларнинг хилини янгилашни жадаллаштирингиз!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш — халқ хўжалиги барча тармоқларининг иши!

35. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалик юкларини узлуксиз ташишга, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятига эришингиз!

36. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Тежамли ва сифатли, замонавий техника асосида қурингиз! Ишга тушириладиган объектларни муддатида топширингиз!

37. Агросаноат комплекси ходимлари! Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминланишига, далалар ва фермаларнинг маҳсулотлари тўла сақланишига эришингиз!

Озиқ-овқат программасини бажариш учун курашингиз!

38. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини актив жорий этингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтирингиз!

Кўкламги дала ишлари аниқ ташкил этилсин ва юксак сифатли ўтказилсин!

39. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Чорвачилик маҳсулдорлигини бутун чоралар билан оширингиз! Унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз!

Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтирингиз!

40. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг ҳар хил хизмат турларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

41. Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техника тараққиёти учун, Ватанимиз экономикасини янада мустаҳкамлаш учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўлингиз!

42. Совет олимлари! Тадқиқот ишларининг натижадорлигини оширингиз! Фан ютуқларини практикага жорий этишга актив кўмаклашингиз!

43. Идеология фронти ходимлари! Партия ғояларини эътиқод ва эҳтирос билан оммага етказингиз, ривожланган социализм жамияти ютуқларини чуқурроқ ва ёрқинроқ кўрсатиб берингиз!

Империалистларнинг қўпорувчилик пропагандасини актив фош қилингиз!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

44. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтариб борингиз!

Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

45. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашни бутун чоралар билан яхшилангиз! Мактаб ўқувчиларига ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббатни сингдирингиз!

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда актив қатнашингиз!

46. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшилангиз! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширингиз!

47. Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини оширайлик! Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг шуҳратини кўпайтирингиз!

48. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

49. Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

50. Йигит ва қизлар билимларни, маданиятни, касб маҳоратини сабот билан эгаллангиз!

Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидокорона курашчилар бўлингиз!

51. Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодга ўзингизнинг ғоявий эътиқодингизни сингдириб, уни бой ҳаётий тажрибангиздан баҳраманд этинг!

Йигит ва қизларни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион анъаналари, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

52. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида актив қатнашингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

53. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини сергак туриб, пухта қўриқлангиз!

Яшасин СССРнинг шавкатли Қуролли Кучлари!

54. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мислсиз жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

55. Яшасин жамиятимиз кучларининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

56. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

57. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам демократик органлари — халқ депутатлари Советлари!

Советлар мамлакатининг гражданлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив қатнашингиз!

58. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, улуғ Ленин васиятларига садоқат — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

59. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

60. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

• *Шаҳримиз гўзал ва кўкаламзор бўлсин*

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҲАШАРДА

● ЎТГАН ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ ШАҲАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШГА 350 МИНГГА ЯҚИН КИШИ ЧИҚДИ.

● ИККИ ОЙЛИК БОШЛАНГАНИДАН БЕРИ 450 МИНГ ТУПДАН ЗИЁД ДАРАХТ ВА 1 МИЛЛИОН 100 МИНГ ТУПГА ЯҚИН БУТА ЎТҚАЗИЛДИ.

● ЭЛЕКТРОН-ТЕХНИКА, «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДЛАРИ, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТЛАРИ, «ЎЗКОЛХОЗСТРОЙ», 9, 40, 245-МАКТАБЛАР, ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ФАБРИКАСИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ЎЗ УЧАСТКАЛАРИДА САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИШДИ.

Тошкентликлар жонажон шаҳарларини ободонлаштиришда фаол қатнашишни ўз бурчлари деб биладилар. Уларнинг шонли 1 Май байрами яқинлашаётган кезларда, айни баҳор кунларида Ўзбекистон пойтахтини янада гўзал ва чиройлироқ қилишга интилишлари ёрқин намоён бўлмоқда. Чунончи, ўтган шанба ва якшанба кунлари яшил ниҳолларни ўтказаётган, кўчалар, проспектлар, хиёбонлар, майдонлар, турар жой массивларини саранжом-саришта қилаётган ўн минглаб шаҳарликларни кўриш мумкин эди.

Электрон-техника заводининг ишчи ва хизматчилари Пролетар кўчасини ободонлаштиришда зўр кайфият билан меҳнат қилишди. Бу корхона коллективи шаҳарнинг марказий магистрал кўчаларидан бирини намунали ҳолатда сақлашга аҳд қилган.

Халқ хўжалиги ва фармацевтика институтларининг студентлари ҳам ҳашарда фаол қатнашишяпти. Ана шу олий ўқув юртларининг ёшлари шаҳарни Биринчи Май байрамига, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг бу йил нишонланадиган 60 йиллигига тайёрлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

Бугунги кунда шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишида қатнашмаётган корхона, ташкилот, ўқув юртини топиш қийин. Бу тушунарли албатта. Чунки ҳар биримиз Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришга шахсий ҳиссамиз қўшилишини истаймиз.

* * *

СУРАТЛАРДА: тошкентликлар ҳашарда. Т. Каримов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қошида Тошкент шаҳри маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг совети ташкил этилди. У КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида шаҳар маиший хизмат кўрсатиш системаси партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлари ижобий тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш мақсадида ташкил этилди.

Советнинг биринчи мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри В. П. Куксенко доклад қилди.

Совет аъзолари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишларини яхшилашда партия ташкилотларининг ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Совет мажлисини Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов олиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ғ. З. ЗАҲРИТДИНОВга «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика партия органлари ва транспорт ташкилотларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг мудири ўртоқ Ғулом Заҳритдинович **Заҳритдиновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.
Тошкент шаҳри,
1984 йил 12 апрель.

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИН ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ 10 АПРЕЛДА ВА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ 12 АПРЕЛДА МАЪҚУЛЛАГ

Партиянинг ривожланган социализмни планли равишда, ҳар томонлама такомиллаштиришга, унинг инсонпарварлик моҳиятини тўлиқроқ намоён этишга, инсоннинг ижодий активлигини янада кучайтиришга қаратилган йўли совет мактаби олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда.

Бизнинг давримиз кишилар ҳаётининг барча соҳаларида — моддий ишлаб чиқаришда, ижтимоий муносабатларда, маънавий маданиятда чуқур ўзгаришлар билан нишонланган. Фан-техника революцияси тобора кенг авж олдирилмоқда. Экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш амалга оширилмоқда. Кенг кўламдаги комплекс социал-иқтисодий программалар рўёбга чиқарилмоқда. Социалистик демократияни ривожлантиришнинг, совет турмуш тарзини мустаҳкамлашнинг, янги инсонни камол топтиришнинг муҳим проблемалари ҳал этилмоқда.

Бугунги кунда мактаб парталарида ўтирган ёшлар шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улуғвор вазифаларни ҳал қиладилар. Улар Улуғ Октябрь ишини давом эттиришлари керак, мамлакатнинг тарихий тақдири учун, жамиятни ҳар томонлама тараққий эттириш учун, унинг коммунистик қурилиш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжиб бориши учун масъулият уларнинг зиммасига тушади.

Партия, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, «Кекса авлодларнинг тажрибасини ўзлаштирибгина қолмай, шу билан бирга уни ўз ишлари билан ҳам бойита оладиган ёшларни» тарбиялашни ўз вазифаси деб билади.

Мактабни ислоҳ қилиш КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг программавий йўл-йўриқларига мувофиқ ўтказилмоқда ва у мактаб ишини ривожланган социализм жамиятининг шарт-шароитлари ва эҳтиёжларига мос келадиган сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш мақсадини кўзлайди. Бу — ҳар бир оиланинг, бутун совет халқининг манфаатларига даҳлдор бўлган жуда муҳим ишдир.

I. РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МАКТАБ

1. Социалистик халқ маорифи системасининг қарор топиши ҳамда ривожланиши совет жамиятининг тарихидан, халқимизнинг қаҳрамонона революцион ва меҳнат зафарларидан ажралмасдир. Улуғ Октябрь, социализм ғалабаси меҳнаткашларга билимларни, маънавий маданиятнинг барча бойликларини эгаллаш учун, талантлар ва истеъдодларни намоён этиш учун ғоят кенг имкониятларни очиб берди. Жаҳон тарихида биринчи марта чинакам халқ мактаби вужудга келтирилди, бу мактаб барча гражданларнинг ирқий ва миллий мансублигидан, жинсидан, динга муносабатидан, мулкий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар маълумот олишда уларнинг амалдаги тенглигини таъминламоқда. Социализм билим ва маданиятнинг, жамият манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнатнинг юксак обрў-эътиборини қарор топтирмоқда.

Совет халқ маорифи системаси сарчашмасида улуғ Ленин турган эди. Коммунистик партия билан Совет давлати ягона, меҳнат, политехника мактаби ленинча ғояларини изчил амалга оширмоқдалар.

Мамлакат тарихан жуда қисқа муддат ичида ялпи саводсизликдан ёшларнинг умумий ўрта таълими сари қадам ташлади. Малакали ишчи кадрларни планли равишда тайёрлашнинг асосий манбаи бўлиб қолган, чинакам маскани ҳисобланган ҳунар-техника таълими системаси яратилди. Олий ва ўрта махсус таълим кенг ривожланди. Синфлар ва социал группаларнинг, миллатлар ва элатларнинг, эркаклар ва хотин-қизларнинг маълумот даражаси бир-бирига анча яқинлашди.

Совет маорифи системасининг яратилиши ва ривожлантирилиши социалистик цивилизацияни қарор топтиришнинг, Советлар мамлакати замонавий илм-фан, техника ва маданият чўққилари сари қилган буюк парвозининг ғоят муҳим омили бўлди. Бу — социалистик ўзгаришлар жаҳон тажрибаси хазинасига қўшилган катта ҳисса, янги ҳаёт қурилиши йўлига ўтаётган давлатлар учун илҳомбахш намуна, социализмнинг капитализм олдидаги тарихий афзалликларининг яққол намойишидир.

2. Ҳозирги босқичда экономика ҳамда маданиятни тез ва уйғун ривожлантириш, социал муносабатларни ва сиёсий устқурмани такомиллаштириш, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва олий бойлиги бўлмиш инсоннинг ўзини янада камол топтириш манфаатлари ёш авлодларга таълим ва тарбия беришга янгича, яна ҳам кенг кўламда ёндашишни талаб қилади. Партия инсон шунчаки муайян билимлар йиғиндиси соҳиби бўлибгина эмас, балки аввало — социалистик жамият граждани, унга хос ғоявий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларга, юксак меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб тарбияланишига эришмоқда.

Ёшларни ўқитиш, уларни сиёсий, меҳнат ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш бобидаги жамики ишларни яхшилашнинг энг муҳим вазифалари умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш заруратини тақозо этади. Мактаб ёш авлод яшаб ишлайдиган ижтимоий шароитларни максимал даражада ҳисобга олиб, уларни вояга етказиши, ўқитиши ва тарбиялаши лозим.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг илғор марраларига олиб чиқиш, ишлаб чиқаришни кенг кўламда автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини тубдан оширишни, маҳсулотларнинг жаҳондаги энг яхши намуналар даражасида ишлаб чиқарилишини таъминлаш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш техник, ишчи, инженердан энг замонавий маълумотни, юксак интеллектуал ва жисмоний камолотни, ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий ва иқтисодий асосларини чуқур билишни, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлишни талаб этади.

Таълимнинг социал функцияси ҳам анча бойийди. Мактаб олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш учун зарур бўлган билимларнинг юксак даражада бўлишини таъминлаш билан бир вақтда ёшларни халқ хўжалигидаги ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтириши ва уларни мана шунга тайёрлаши керак. Меҳнат тарбиясини шахсни камол топтиришнинг ғоят муҳим омили ва халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш воситаси деб билиш лозим. Таълим ва тарбиянинг, касб танлашга ўргатишнинг ҳозирги формаси мазкур талабларга ҳали мос эмас.

Ҳар бир ёш инсонни мактаб, оила, ишлаб чиқариш коллективлари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъатнинг, бутун жамоатчилигимизнинг бирлашган куч-ғайрати билан меҳнатга онгли эҳтиёжни сезиш руҳида тарбиялаш иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга молик вазифадир.

Ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашга, уларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришга, масъулиятни ҳис этиш, уюшқоқлик ва интизом руҳида тарбиялашга нисбатан талаблар ошиб бормоқда. Партия совет кишилари янги авлодларининг ғоявийлиги, маълумоти ва профессионал тайёргарлигини кучайтиришни социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг, ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда омманинг тобора кенг ва самарали иштирок этишининг муҳим шарти деб билади. Халқаро вазият ғоят кескинлашиб кетган бир шароитда социализмга қарши қутуриб ҳужумлар қилаётган ва ёшларнинг сиёсий жиҳатдан ғўрлигига умид боғлаётган империализм агрессив кучларининг кирдикорларига нисбатан ҳушёрликни ошириш керак.

Мактабни ислоҳ қилиш унинг фаолиятида тўпланиб қолган бир қанча салбий ҳолатларни, жиддий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадини ҳам кўзлайди. Маориф структурасини такомиллаштириш, умумий таълим, меҳнат ва профессионал тайёргарлик сифатини анча ошириш, таълимнинг актив формалари ва методларини, техника воситаларини яна ҳам кенгроқ қўлланиш, таълим ва тарбия бирлиги, оила, мактаб ва жамоатчилик мустаҳкам алоқаси принципини собитқадамлик билан амалга ошириш лозим.

Таълим-тарбия ишининг мазмуни ва методларида, мактаб ҳаётида, ўқувчиларнинг билимларига баҳо беришда ҳар қандай расмиятчилик кўринишларини қатъий равишда, таг-томири билан тугатиш, процент кетидан қувиш ҳолларига барҳам бериш зарур.

3. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни:

— таълим ва тарбия сифатини оширишни, ҳар бир предметни ўқитишнинг юксакроқ илмий даражасини, фанларнинг асосларини мустаҳкам эгаллаб олишни, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияни, эстетик ва жисмоний камолот яхшиланишини таъминлашни; ўқув планлари ва программаларини, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, таълим ва тарбия методларини такомиллаштиришни; ўқувчиларнинг ортиқча зўриқтирилишига, ўқув материалининг ҳаддан ташқари мураккаблаштирилишига барҳам беришни;

— умумий таълим мактабида меҳнат тарбиясининг, таълим ва касб танлашни ўргатишнинг ташкил этилишини тубдан яхшилашни, ўқитишнинг политехника, амалий йўналишини кучайтиришни; ҳунар-техника таълими системасида малакали ишчи кадрлар тайёрлашни анча кенгайтиришни; ёшларни умумий ҳунар таълимига ўтказишни амалга оширишни;

— ўқиш сифати учун ўқувчиларнинг масъулиятини, ўқув ва меҳнат интизомига риоя этишни кучайтиришни, ўқувчилар коллективларида ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш асосида уларнинг ижтимоий активлигини оширишни;

— ўқитувчининг ва ишлаб чиқариш таълим мастерининг ижтимоий обрўйини, уларнинг назарий ва амалий тайёргарлигини оширишни, халқ маорифи системасининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришни; педагог ходимларнинг иш ҳақини оширишни ва уларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилашни;

— ўқув юртларининг, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни;

— умумий таълим ва ҳунар мактаби структураси ҳамда халқ маорифини бошқаришни такомиллаштиришни билдиради.

II. УМУМИЙ ЎРТА ВА ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ СТРУКТУРАСИ

4. Умумий ўрта ва ҳунар таълимининг қуйидаги структураси белгилансин:

бошланғич мактаб	—I—IV синфлар;
Тўлиқсиз ўрта мактаб	—V—IX синфлар;
Ўрта умумтаълим ва ҳунар мактаби	умумтаълим мактабларининг X—XI синфлари; ўрта ҳунар-техника билим юртлари; ўрта махсус ўқув юртлари.

Ўрта умумий таълим мактаби ўн бир йиллик бўлади. Болаларни мактабда ўқитиш бир йил аввал — 6 ёшдан бошланади. Мактабгача тарбия системаси ривожланиб, эндиликда мутлақ кўпчилик болаларни қамраб олганлиги, болалар боғчаларида ва мактабларда болаларга таълим бериш тажрибаси бунинг учун замин тайёрлади. Болаларни мактабда 6 ёшдан ўқитишга ўтишни аста-секин 1986 йилдан бошлаб бир неча йил мобайнида, қўшимча ўқувчи ўринлар вужудга келтирилишига, ўқитувчи кадрлар тайёрланишига қараб, ота-оналарнинг истагини, болаларнинг камол топиш даражасини, маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб амалга оширилсин. Дастлабки босқичда болаларнинг муайян қисми мактабга 7 ёшда ҳам кирадиган бўлади, олти ёшли болалар эса мактабларда ҳам, болалар боғчаларининг юқори группаларида ҳам ягона программа асосида ўқитилади.

Бошланғич мактабда (I—IV синфлар) ўқиш даври бир йил узайтирилади, бу эса болаларга ўқишни, ёзишни ва ҳисоблашни, энг оддий меҳнат кўникмаларини янада асосли равишда ўргатишни, айни вақтда ўқувчиларнинг зўриқишини камайтиришни ва келгусида фан асосларини ўзлаштиришни осонлаштиришни таъминлаш имконини беради.

Тўлиқсиз ўрта мактаб (V—IX синфлар) ҳозиргидек фан асосларини беш йил мобайнида ўргатишни кўзда тутади. Тўққизинчи синфни тугатган мактаб ўқувчилари ўн беш ёшида тўлиқсиз ўрта маълумот олади. Ўсмирларга умумий меҳнат таълимини бериш вазифаси асосан ҳал этилмоқда. Касб танлашга ўргатиш тадбирлари билан бирга уларнинг бўлғуси касбни танлашини осонлаштирувчи шароитлар яратилмоқда. Тўққиз йиллик мактаб турли каналлар орқали умумий ўрта ва ҳунар таълимини олиш учун база бўлади.

Ўрта умумий ва ҳунар мактаби умумий таълим мактабининг X—XI синфларини, ҳунар-техника билим юртларини, ўрта махсус ўқув юртларини ўз ичига олади. У ёшларга умумий ўрта таълим берилишини, меҳнат ва ҳунар ўргатилишини таъминлайди.

5. Тўққизинчи синфларни битириб чиқувчиларга шундан кейин таълим бериш потокларининг ўзаро нисбати халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда, ўқувчиларнинг хоҳиши ва қобилиятига, ота-оналарнинг истаги ҳамда мактаблар педагогика советларининг тавсияномаларига биноан ҳосил бўлади. Ўрта ҳунар-техника билим юртларига кирадиган тўққизинчи синфни битирувчиларнинг сони ва салмоғи келгусида тахминан икки баравар кўпаяди. Бунда айрим регионларнинг, шаҳар ва қишлоқнинг хусусиятлари эътиборга олиниши керак.

VIII—XI синфларнинг ўқувчиларига ўзлари танлаб олган физика-математика, химия-биология ва ижтимоий-гуманитар циклларнинг айрим предметларини факультатив машғулотлар ёрдамида чуқурроқ ўрганиш имконияти берилади. X—XI синфлардаги меҳнат таълими моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси учун талаб қилинадиган оммавий касбларни эгаллаш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Ўрта умумий таълим мактабини битириб чиқувчилар янада юқори малака олиш ёки мураккаб касбни ўрганиш учун ўрта ҳунар-техника билим юртларининг бир йиллик бўлимларига, икки-уч йиллик муддат билан таълим берадиган ўрта махсус ўқув юртларига ва олий ўқув юртларига кирадилар. Уларнинг бир қисми ўн бир йиллик ўрта мактабда олинган меҳнат тайёргарлигига мувофиқ халқ хўжалигига бориб ишлайди. Ёшларнинг ота-оналар жамоатчилигининг, меҳнат коллективларининг истакларини эътиборга олиб, бир қанча касблар бўйича ёш чегараларини қисқартириш тўғрисидаги масала ҳал қилинсин.

Шундай қилиб, бир-икки беш йиллик мобайнида ёшларга умумий ўрта таълим бериш уларга умумий ҳунар таълими бериш билан тўлдирилади. Барча йигит ва қизларга меҳнат фаолияти бошлангунча касб ўрганиш имконияти берилади. Бу нарса келгусида умумий таълим ва ҳунар мактабининг бир-бирига яқинлашувига ва бирлашувига олиб боради, бу эса Лениннинг ягона, меҳнат, политехника мактаби тўғрисидаги ғояларини янада ривожлантириш ва рўёбга чиқариш бўлади.

6. Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган ҳунар-техника ўқув юртларининг ҳар хил типлари қайта ташкил этилиб, касблар бўйича тегишли бўлимларга эга бўлган, ўқишга кирувчиларнинг маълумот даражасига қараб таълим бериш форма ва муддатлари белгилаб қўйиладиган ягона типдаги ўқув юртига — «ўрта ҳунар-техника билим юрти»га айлантирилади. Тўққизинчи синфларни битириб чиқувчилар ўрта ҳунар-техника билим юртларида қоида тариқасида 3 йил ўқиб, ҳунар ўрганадилар ва умумий ўрта таълимни тугаллайдилар. Ўн бир йиллик мактабни битириб чиқувчилар янада юқори малака орттириш ёки мураккаб касбни эгаллаш учун бир йиллик таълим муддати билан ўрта ҳунар-техника билим юртларининг тегишли бўлимларига кирадилар.

Ўрта ҳунар-техника билим юртлари халқ хўжалигининг тегишли тармоқлари учун малакали ишчилар тайёрлашга ихтисослаштирилади ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар базасида, қишлоқ жойларда эса район агросаноат бирлашмалари, совхозлар, колхозлар, хўжаликлараро корхоналар базасида ташкил этилади. Базавий корхоналар билан ҳунар-техника билим юртларининг ўзаро муносабатлари СССР Министрлар Совети тасдиқлайдиган Низом билан тартибга солинади.

7. Ёшларга таълим беришда ўрта махсус ўқув юртлари (техникумлар, педагогика, медицина билим юртлари ва бошқалар) муҳим роль ўйнайди. Улар ишлаб чиқариш, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бошланғич бўғинларининг малакали мутахассислари ва ташкилотчиларини тайёрлайдилар, халқ хўжалиги мутахассисларининг энг кўп сонли отряди сафларини тўлдирадилар ва айни вақтда умумий ўрта таълим вазифаларини ҳал этишда қатнашадилар. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини бундан буён ҳам ошириш зарур.

Кейинги вақтларда тугал ўрта маълумотли ёшларга техникумларда таълим бериш кенгайтирилди. Тўлиқсиз ўрта мактабни ҳам мана шу ўқув юртларига ўқувчилар тайёрлаш манбаи сифатида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиққан кишилар орасидан қисқартирилган таълим муддатларида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тажрибасини ривожлантириш керак.

8. Ўрта маълумотга эга бўлмаган ишлаб турган ёшлар учун кечки (сменалар) ва сиртқи мактаблар сақланиб қолади, бундай мактабларда улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот оладилар. Бундай мактаблар фаолиятининг ташкил этилиши ва мазмунидаги жиддий нуқсонларни тугатиш, ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш, ўқувчилар контингентини планлаштиришни тартибга солиш зарур.

9. Умумий таълим ва ҳунар мактабининг ишини яхшилаш, уни битириб чиқувчилар учун олий ўқув юртларига киришнинг тенг шароитларини яратиш олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш учун янги имкониятлар очади. Олий ўқув юртлари контингентларини шакллантиришнинг социал базаси кенгайтирилади, ёшларнинг олий маълумот олишга янада масъулият билан ва онгли муносабатда бўлиши ошади. Олий ўқув юртларига қабул қилишнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш, унда олий ўқув юртларига абитуриентларни конкурс асосида қабул қилиш чоғида аттестатдаги ўртача баллни ҳисобга олиш тўғрисидаги қоидани бекор қилиш назарда тутилади.

III. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ

10. Ёш авлодга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш, шу билимларни практикада қўлланиш кўникмалари ва маҳоратини ҳосил қилиш, материалистик дунёқарашни шакллантириш совет мактабининг энг муҳим, ўзгармас вазифасидир. Ўқув планларини, программаларини, дарсликларни, ўқув-кўргазмали қўлланмаларни социал-иқтисодий ва фан-техника тараққиёти талабларига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ ҳолга келтириш лозим.

Таълимнинг мазмунини такомиллаштириш учун:

—ўрганиладиган предметлар рўйхатини ва уларнинг материали ҳажмини аниқлаш, ўқув программалари ва дарсликларнинг зўриқтиришини тугатиб, уларни ортиқча мураккаблаштирилган, иккинчи даражали материалдан халос қилиш;

—ўқув фанларининг асосий тушунчаларини ва энг муҳим ғояларини жуда равшан баён этиш, уларда фан ва практиканинг янги ютуқлари зарур тарзда акс этишини таъминлаш; умумий таълим мактабидаги меҳнат тарбияси ва касб танлашга ўргатишни йўлга қўйишни тубдан яхшилаш; таълим мазмунининг политехник йўналишини кучайтириш; амалий лаборатория машғулотларига, физика, химия, биология ва бошқа фанларнинг қонунлари технологияда қандай қўлланишини кўрсатишга кўпроқ эътибор бериш ва шу тариқа ёшларга меҳнат таълими бериш ва касб танлашга ўргатиш учун асос яратиш;

—ўқувчиларни замонавий ҳисоблаш техникаси тўғрисидаги билимлар ва шу техникадан фойдаланиш кўникмалари билан қуроллантириш, таълим жараёнида компьютерлар кенг қўлланилишини таъминлаш, бунинг учун махсус мактаб ва мактаблараро кабинетлар ташкил этиш;

—ҳар бир предмет ва синф бўйича ўқувчилар эгаллаши мажбурий бўлган маҳорат ва кўникмаларнинг энг мақбул ҳажмини белгилаб қўйиш зарур.

Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг қатъий давомийлиги, умумий таълим тайёргарлигининг ягона даражаси таъминлансин, бунда миллий ўқув юртларининг хусусиятлари эътиборга олинсин. Она тили билан бирга совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси деб ихтиёрий қабул этган рус тилини ўрганиш учун шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин. Рус тилини эркин билиш ўрта ўқув юртларини тамомлаётган ёшлар учун норма бўлиб қолиши керак.

Партия илгари сурган асосий вазифалардан бири— шахсни ҳар томонлама ва гармоник камол топтириш вазифасини янада самаралироқ амалга ошириш мақсадида ўқув юртларида тарбиявий ишларга комплекс ёндашиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқилсин, бунда коммунистик тарбиянинг барча йўналишлари — ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий, эстетик, жисмоний тарбия бўйича куч-ғайратни мувофиқлаштириш назарда тутилсин.

11. Ўрта ҳунар-техника билим юртларида умумий таълим тайёргарлигига алоҳида эътибор берилсин. Ўқувчилар фан асосларини, техника, агрономия, экономика предметларини, айниқса, янги техника ва технологияни, автомат манипуляторлар (саноат роботлари)ни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа махсус предметларни пухта эгаллаб олишини таъминлаш зарур.

Ишчи кадрларнинг тайёргарлик сифатини ошириш учун ҳунар-техника таълими системасининг катта имкониятларидан тўлароқ фойдаланилсин. Министрликлар ва база корхоналар билан биргаликда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ва ишлаб чиқариш практикасининг янги программалари ишлаб чиқилсин, бунда муайян касб ва малакадаги ишчиларни тайёрлашга нисбатан қўйиладиган ягона талабларга асосланиб иш тутилсин. Ишлаб чиқариш практикаси энг яхши бригадалар ва звенолар составида, мураббийлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва меҳнат ветеранлари раҳбарлиги остида ўтказилсин.

12. Таълим формалари, методлари ва воситалари такомиллаштирилсин, ўқув жараёнининг асосий формаси бўлмиш дарс билан бир қаторда мактабларнинг юқори синфларида, ҳунар-техника билим юртларида ва ўрта махсус ўқув юртларида лекциялар, семинар машғулотлари, суҳбатлар, практикумлар, консультациялар ўтказиш кенг одат тусига киритилсин. Ўқитувчилар ва ота-оналар ўқувчиларни китоб ва бошқа билим манбалари билан ишлашга активроқ жалб этишлари, мустақил фикрлаш кўникмасини ҳосил қилишда уларга ёрдам беришлари керак.

Синфлардаги ўқувчиларнинг энг кўп миқдорини камайтириш, уни аста-секин I-IX синфларда 30 кишига, X-XI синфларда 25 кишига келтириш вазифаси қўйилади.

Ҳамма курслар бўйича амалдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари такомиллаштирилсин ҳамда янгилари яратилсин. Баён этишнинг юксак ғоявийлиги ва илмийлиги, тушунарлилиги ва қисқалиги, аниқлиги, равшанлиги ва қизиқарлиги, методик аппаратнинг мукаммаллиги — ҳар бир дарсликка нисбатан қўйиладиган зарур талаблардир. Бу дарсликларни ёзишга энг яхши ўқитувчилар, тажрибали методистлар, таниқли олимлар жалб этилсин, авторларнинг меҳнатини қўшимча рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилсин. СССР халқларининг тилларида дарсликлар нашр қилиш учун полиграфия қувватлари кучайтирилсин ва юқори сифатли материаллар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Фанларнинг асослари ва факультатив курсларга доир ўқув маълумот характеридаги ва илмий-оммабоп адабиётга бўлган эҳтиёж тўла-тўкис қондирилсин.

13. Ўқувчиларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш уларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг мустаҳкам негизидир. Ҳам жамиятшунослик, ҳам табиий-илмий фанларни ўқитиш ўқтувчиларда мустаҳкам материалистик тасаввурларни, атеистик қарашларни, табиат ва жамият ҳодисаларини тўғри изоҳлаш қобилиятини ҳосил қилиши, бизнинг дунёқарашимиз принципларига мувофиқ иш олиб бориши лозим.

Ижтимоий-гуманитар цикл предметларини жозибадор, тушунарли тарзда ўқитиш дунёни революцион янгилаш йўлларини, социализмнинг асосий принциплари ва тарихий афзалликларини, капитализмнинг халқ манфаатларига зид бўлган реакцион моҳиятини очиб бериши, ҳозирги ижтимоий турмушнинг ёшларни қизиқтираётган саволларига синфий позициялардан ишонарли жавоблар бериши, коммунизм ғояларининг муқаррар ғалабасини кўрсатиши зарур. Тарих, жамиятшунослик, адабиёт ва бошқа предметларнинг дарсларида ўз коммунистик эътиқодларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш маҳоратини мешчанликка, текинхўрликка, истеъмолчиликка муросасизликни изчиллик билан тарбияламоқ керак. Машғулотларнинг актив формалари кенг одат тусига киритилсин, уларга зўр амалий йўналиш бахш этилсин, қироатхонлик ва схематизм таг-туби билан тугатилсин. Жамиятшуносликни ўрганишга ажратилган ўқув вақтини кўпайтириш зарур, деб ҳисоблансин. Ўрта ўқув юртларининг ҳамма типлари учун ягона жамиятшунослик дарслиги яратилсин.

14. Ғоявий-сиёсий тарбияда пухта коммунистик эътиқодларга эга бўлган онгли гражданни вояга етказиш диққат марказига қўйилиши керак. Таълим-тарбия жараёнининг ҳамма элементлари, мактабнинг бутун ижтимоий ҳаёти шунга хизмат қилиши лозим. Ёшлар марксизм-ленинизм ғоялари руҳида, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тимсолида, КПССнинг тарихий тажрибаси негизида тарбиялансин. Ўқувчиларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялаш кучайтирилсин. Ижтимоий-сиёсий клублар, музейлар, тўгараклар, лекторийларнинг фаолияти активлаштирилсин. Революцион, меҳнат ва жанговор шуҳрат жойларига экскурсия ва походлар мунтазам ўтказиб турилсин. Сиёсий ахборотнинг йўлга қўйилиши такомиллаштирилсин. Ўзининг сиёсий маълумотини ошириш кўникмалари ҳосил қилинсин. Ўқувчиларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга партия ходимлари, энг яхши пропагандист кадрлар, «Билим» жамиятининг лекторлари, партия ветеранлари кенг жалб қилинсин. Оммавий ахборот воситалари ўқитувчиларнинг, оила ва жамоатчиликнинг актив ва доимий ёрдамчилари бўлсин, телевидение ва радио орқали ўқув кўрсатувлари ва эшиттиришларини кенгайтириш, уларнинг мазмунини яхшилаш, ёшларни тарбиялаш соҳасидаги илғор тажрибани, бу иш намунали йўлга қўйилганлигини пропаганда қилиш ва оммалаштиришни таъминлаш зарур.

Тарбиявий ишда Совет давлатининг рамзлари — Герби, Байроғи, Гимнидан, иттифоқдош, республ герблари, байроқлари ва гимнларидан, Давлат муҳ ва нишонларидан, шунингдек, пионер ва комсомо лотларининг символларидан тўлиқроқ фойдалани га қадам қўювчи ҳар бир киши СССР Конститу республикасининг Конституциясини билиши, улар қилиши керак.

15. Янги инсонни тарбиялаб вояга етказишда ҳу ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти бениҳоя катта. «Ҳ мон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таъ ишларининг ҳаммаси, — деб таъкидлаган эди В. И. — уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиял рат бўлсин» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 344-б тун тарбиявий иш билим, эътиқод ва ҳаракатни ишнинг чамбарчас бирлиги асосига қурилиши кера таб коммунистик ахлоқ принциплари асосида яша тутиш, социалистик жамият қоидаларига, совет ҳ оғишмай риоя этишдан иборат ички эҳтиёжни вужу тириши керак.

Ёшлик чоғиданоқ коллективчилик, ўзига ва б талабчанлик, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, саҳийлик ва пиаллик, бирдамлик ва характер мардлиги руҳида лаш жуда муҳимдир. «Ўқувчилар учун қоида»нинг рианти ишлаб чиқилсин. Бу қоидада ўқувчилар олиш сифатини, ўқув, меҳнат, жамоат интизомига лиш масъулиятини ошириш назарда тутилсин. меҳнатда намуна кўрсатганларни рағбатлантириш си жорий этилсин.

16. Ўқувчиларга бадиий ва эстетик тарбия бериш яхшилаш жуда муҳим вазифадир. Гўзаллик туйғу вожлантириш, юксак эстетик дидни шакллантириш асарларини, тарихий ва архитектура ёдгорликлари жон табиат гўзаллиги ва бойлигини тўғри тушуни лаш маҳоратини ривожлантириш зарур. Шу мақсад бир ўқув предметининг, айниқса, адабиёт, музика, санъат, эстетиканинг имкониятларидан яхшироқ нилсин, бу предметлар билим доирасини кенгайти бирга катта тарбиявий кучга ҳам эгадир. Олий ў ларининг махсус факультетларида ана шу фанлар чиларини тайёрлаш кенгайтирилсин. эстетика предметлардан малакали мутахассисларнинг дар ри таъминлансин. Санъаткор зиёлиларнинг ижодий ри, барча маданият муассасалари бу ишда ёрдам ри лозим. Умумий таълимни болаларни музика жисмоний жиҳатдан ривожлантириш билан узвий олиб боришга имкон берадиган ўқув-тарбия комп эксперимент тарзида ташкил қилинсин. Ўқув пионерлар уйларида, клубларда ва маданият сарой ҳамма жойда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қўйиш, уларнинг репертуарига доимо эътибор бер Ёшлар орасига ғоясизлик, ахлоқсизлик, сиёсий маънавий маҳсулотлар суқилиб киришига мутлақо йилмасин.

17. Социалистик жамият ёш авлоднинг жисмоний ҳатдан бақувват, соғлом, хушчақчақ бўлиб, меҳнат Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб ўсишидан фаатдордир.

Барча ўқувчиларнинг дарсларда, ўқишдан ташқ ларда, спорт секцияларида физкультура билан шуғулланишлари ташкил этилсин, бунинг учун за роитлар яратилсин. Ҳар бир мактабда, ҳунар-техника юртида, барча таълим-тарбия муассасаларида налар ва анжомлар билан яхши таъминланган спорт ри ва майдончалари барпо этилиши керак. Ўқу жисмоний жиҳатдан тарбиялаш учун спорт таш ва клубларининг, корхоналар ва муассасаларнинг кенгроқ фойдаланилсин.

Гигиена масалаларига кўпроқ эътибор берилсин бир мактаб ўқувчиси гигиена ва медицина соҳасида билимларни эгаллаб олиши, ёшлигиданоқ ўз орга билиши ва уни тартибли сақлашни ўрганиши кера

18. Ўқувчиларни СССР Қуролли Кучлари сафида қилишга тайёрлаш, Совет Армиясига меҳр-муҳаббат да тарбиялаш, социалистик Ватанда яшаётганлиги ифтихор туйғусини, Ватанни ҳимоя қилишга доимо туриш туйғусини шакллантириш уларни ҳарбий-ва варлик руҳида тарбиялашга асос қилиб олиниши Умумий таълим ва ҳунар мактабидаги бошланғич тайёргарлик даражаси ва самарадорлиги оширилсин

19. Ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда ёшларнинг жамоат, ўқувчиларнинг ўз ўзини бошқариш лотларига боғлиқ. Комсомол ва пионер ташкилотлари рў-эътиборини бу ташкилотларнинг ўқувчилари сий жиҳатдан тарбиялашдаги ролини қатъий ошириш, уларга раҳбарлик қилишда расмиятчилик ма нарсани олдиндан белгилаб қўйишга ва икир-чи ларга аралашаверишга йўл қўймаслик зарур. Ўқ коллективларининг масъулияти кучайтирилсин ва мустаҳкамлансин, уларнинг ҳамма фойдали янги ташаббуслари ва ҳаваскорлиги ҳар томонлама қўлла ватлансин. Н. К. Крупская, А. С. Макаренко ва рифининг бошқа атоқли арбоблари бунга катта берган эдилар.

Комсомол ва пионер ташкилотлари ўқишнинг оширишда, онгли интизомни ва хулқ-атвор мада шакллантиришда ижтимоий фойдали меҳнатни ва бў нинг мазмунли ўтказилишини ташкил этишда, ў нинг ўз-ўзига хизмат қилишларини ривожлантириш гоглар коллективларининг ишончли таянчи бўлиш рак. Комсомол йиғилишлари ва пионер сборларининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин нинг жонли ва мароқли ўтишига, мактаб коллекти зиқтирувчи масалаларнинг муҳокама этилишига қилинсин. Ўқувчи ёшларни комсомолга киришга тайёрлаш зарур.

Октябрятлар группаларининг ишини такомилла кичик ёшдаги болаларга коллективда яшаш ва иш ҳоратини ўргатишда ҳар томонлама ёрдам бериш, кучларини фойдали, жамиятга керакли ишларга яхши ўқишга, меҳнатга тайёрланишга, ўзини намун тишга, катталарга кўмаклашишга ўргатиш лозим.

Ўқувчилар коллективлари ҳаётида синфдан ва ма ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиларининг, бо вожатийларнинг роли оширилсин, уларни тайёрла лаш яхшилансин.

IV. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ, ТАЪЛИМИ, КАСБ ТАНЛАШГА ЎРГАТИШ

20. Партия мактаб фаолиятини такомиллаштири авлодни меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилашга ал мият бермоқда.

Тўғри йўлга қўйилган меҳнат тарбияси, таълими танлашга ўргатиш, мактаб ўқувчиларининг ижтимои дали, унумли меҳнатда бевосита қатнашиши ўқиш муносабатни, гражданлик камолотини, шахснинг ахл интеллектуал шаклланишини, жисмоний ривожлани сил қилишнинг бекиёс омилларидир. Мактабни бит қувчиларнинг кейинги тақдири қандай бўлмасин, чиниққанлик фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида улар бўлади. Буни ўқувчилар яхши англаб олиши, ўқит ота-оналар, бутун жамоатчилик чуқур тушуниши му

Таълимни унумли меҳнат билан бирга қўшиш ни қуйи синфлардан бошлаб, ўзларининг соғлиги ва мос келадиган уюшган, мунтазам, ижтимоий фойд натга—жамият учун зарур бўлган ҳақиқий меҳнат этишни назарда тутади.

21. Мактабдаги меҳнат тарбияси ва таълимининг меҳнатга муҳаббат ва меҳнат аҳлига ҳурмат туйғус диришдан; ўқувчиларни ҳозирги замон саноат ва хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт, хиз сатиш соҳалари асослари билан таништиришдан; ўқ ижтимоий фойдали иш жараёнида уларда меҳнат лари ва маҳоратини ҳосил қилишдан; онгли равиш танлашга ва бошланғич ҳунар таълимини олишга иборат.

Шу мақсадда ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва фойдали, унумли меҳнати учун зарур бўлган вақт кўпайтириш, шунингдек, ёзги каникулларни бир қартириш ҳисобига ҳар йилги меҳнат практикасини кўзда тутилади. Меҳнат тайёргарлигининг турли ри ва формаларини ўз ичига оладиган, мактаблар, ника билим юртлари, техникумлар, ишлаб чиқариш тивлари, оила ва жамоатчиликнинг биргаликда сарфлашини кўзда тутадиган комплекс программа чиқилиши лозим.

(Давоми учинчи бетда).

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Бошланғич мактаб (I—IV синфлар) ўқувчилари турмушда зарур бўлган турли материаллардан қўлда бирор нарса ясаш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, кўргазмали ўқув қуролларини ремонт қилиш; ўйинчоқлар тайёрлаш, мактаб ва болалар боғчаси, уй учун керакли турли фойдали предметлар ва шу сингариларни ясашнинг энг оддий усулларини ўрганадилар. Шу босқичнинг ўзидаёқ болалар тушуна оладиган баъзи касблар билан танишиш бошланади.

Тўлиқсиз ўрта мактабда (V—IX синфлар) ўқувчилар анча мукаммалроқ умуммеҳнат тайёргарлигини ҳосил қиладилар, металл, ёғоч билан ишлаш маҳорати ва амалий кўникмаларини ҳосил қиладилар, электротехника, металлшунослик, график саводи асослари билан танишадилар, халқ хўжалигининг энг асосий тармоқлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Улар корхоналарнинг буюртмаларига биноан, шунингдек, мактаблар учун унчалик мураккаб бўлмаган нарсаларни тайёрлайдилар. Табиатни муҳофаза этиш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. VIII синфдан бошлаб ўқувчилар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари составида, мактаблараро ўқув ишлаб-чиқариш комбинатларида, корхоналар ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқув цехлари ва участкаларида ҳунар ўрганадилар ва ишлайдилар.

Ўрта умумий таълим мактабида (X—XI синфлар) ана шу базада, шунингдек, бевосита ишлаб чиқаришдаги иш жойларида мазкур регионнинг эҳтиёжларини эътиборга олиб, энг оммавий касблар бўйича меҳнат таълими ташкил этилади. Зарур шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, маълум касбни эгаллаш ҳамда олинган малака бўйича белгиланган тартибда имтиҳон топшириш билан ниҳоясига етказилади.

СССР меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети умумий таълим мактабларида ўқувчиларга ўргатиладиган касблар рўйхатини белгилаб берсинлар. Халқ депутатлар шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари мазкур рўйхатдан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини, ўқув-техника базаси мавжудлигини, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг, йигит ва қизлар меҳнатнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мактаб ўқувчиларини меҳнатга тайёрлаш профилларини белгилайдилар.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзига хизмат қилишини кенгайтириш зарур. Ҳамма ўқувчилар ўз ёшига қараб, гигиена ва соғлиқни муҳофаза қилиш нормалари ҳамда талабларига риоя этиб, синф хоналари ва кабинетларни супуриш-сидиришда қатнашишлари, мактаб ҳовлиларининг, спорт майдончалари ва шу сингариларнинг озодалиги ҳамда ободончилигига қараб туришлари керак. Ота-оналар оилаларда яшаш хоналарини тартибга солиш, овқат пишириш, кир ювиш ва кийим-кечакни ямаш, рўзғор асбобларини ва уй хўжалиги предметларини ремонт қилиш соҳасида болалар меҳнатини ташкил этадилар.

22. Ўқувчиларни касб танлашга ўргатиш иши такомиллаштирилсин. Ёшларни касб танлашга ўргатиш идоралараро кенгашлари, шаҳар ва район комиссияларининг фаолияти кучайтирилсин. Касб танлашга ўргатишни мувофиқлаштириш иши СССР меҳнат ва социал масалалар давлат комитети зиммасига юклатилсин.

Тажриба тариқасида бир қанча шаҳар ва қишлоқ районларида мактаблар, ўқувчилар ва ота-оналар билан иш олиб боришни ташкил қилиш бўйича касб танлашга ўргатиш марказлари вужудга келтирилсин. Улар ўз фаолиятида мактаблараро ўқув ишлаб—чиқариш комбинатларига, мактаблардаги, билим юртларидаги ва корхоналардаги касб танлашга ўргатиш кабинетларига таянишлари, ўқувчиларни замонавий касблар билан таништиришлари, халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақида ахборот беришлари, ўқувчиларнинг психологик-физиологик хусусиятларини, уларнинг маълум турдаги фаолиятга қобилияти ва қизиқишларини аниқлашлари ва шу асосда тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқишлари керак.

Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, таълими ва уларни касб танлашга ўргатиш системаси уларни тўлиқсиз ўрта мактабни тугатадиган пайтгача пухта ўйлаб касб танлашга ва ўқишни давом эттириш учун тегишли ўқув юртини танлаб олишга тайёрлаши лозим.

23. Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва тарбиялашни ташкил этишда актив қатнашиш—ишлаб чиқариш коллективларининг жуда муҳим вазифасидир. Ҳар бир мактабнинг база корхонаси бўлиши керак. База корхоналари ўзларининг структура бўлинмалари ҳуқуқларига эга бўлган мактаб ва мактаблараро устахоналарни, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини, ўқув цехлари ва участкаларини, ўқувчилар учун алоҳида иш жойларини, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари учун доимий дала шийпонларини, меҳнат ва дам олиш лагерларини вужудга келтиришлари қонун тартибида белгилаб қўйилсин. Улар мактаб ҳузуридаги ўқув-тажриба участкалари учун асбоб-ускуна, техника, материаллар, комплектлаш буюмлари, ажратиб берадилар, мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқариш фаолиятини планлаштирадилар ва ташкил этадилар, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлайдилар. База корхоналари ўқувчиларга таълим бериш ҳамда уларнинг унумли меҳнатини ташкил қилиш, улар билан тарбиявий иш ўтказиш, техника ижодкорлигини, қишлоқ хўжалик тажрибакорлигини ривожлантириш ва касб танлашга ўргатиш учун мастерлар сифатида мутахассислар, ишчилар, колхозчиларни юборадилар. Партия, меҳнат ветеранларини, ишлаб чиқариш илғорларининг мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, ўқувчиларни меҳнат коллективларининг ижтимоий-ишлаб чиқариш ҳаётига актив жалб этиш зарур. Социалистик мусобақа якунларини чиқаришда ўқувчиларни тарбиялаш ва меҳнатга тайёрлашда корхоналарнинг ўз оталиғидаги мактаблар ва бошқа ўқув юртларига ёрдам беришдаги иштироки ҳисобга олинсин.

24. Меҳнат таълими билан узвий равишда боғланган ҳолда ўқувчиларнинг иқтисодий тарбияси таъминланади. Улар ишлаб чиқариш муносабатларига амалий равишда қўшилишлари, социалистик мулк, план, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, иш ҳақи тўғрисида ҳаётий тасаввур олишлари, меҳнат билан топилган ҳар бир сўмни қадрлашни ўрганишлари муҳимдир. Ўқувчилар ишлаб топган маблағнинг бир қисми мактаб коллективининг ихтиёрига берилсин. Мактаб тежамкор хўжалик ходими бўлиш, жамоат бойлигига ва она табиатга, дарсликларга, мактаб мулкига, электр энергияга, шахсий буюмларга, озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса, нонга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни эъзозлаш фазилатларини тарбиялаши керак. Ўқувчилар иқтисодий тежаш, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг таннархи, сифати, хўжалик ҳисоби ва бошқа шу каби тушунчалар билан амалда таништирилсин.

V. БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖАМОАТ ЙЎЛИ БИЛАН ВА ОИЛАДА ТАРБИЯЛАШ

25. Коммунистик партия билан Совет давлати болалар ва ўсмирларни мактабгача тарбия муассасаларида, мактабда ўқишдан ташқари вақтда, мактабдан ташқари муассасаларда ва истиқомат жойларида жамоат йўли билан тарбиялашни ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар, болаларни тарбиялашда оилага ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ташкил этишни яхшилаш зарур. Ёшлик чоғидан улар Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, ўртоқлик ва коллективчилик, юриш-туриш маданияти руҳида, гўзалликни ҳис этадиган қилиб тарбиялансин, ҳар бир болада билишга қизиқиш ва қобилият, мустақиллик, уюшқоқлик ва интизом ривожлантирилсин. Болалар боғчасида болаларга тарбия ва таълим беришнинг типовой программаси ишлаб чиқилиб, жорий этилсин, бунда ёш физиологияси ва психологик хусусиятлари, миллий маданиятлар ва анъаналар эътиборга олинсин.

26. Куни узайтирилган мактаблар ва группалар ўқувчиларни жамоат йўли билан тарбиялашнинг ўзини оқлаган ва истиқболли формасидир. Бундай мактаб ва группалар ўқувчиларнинг меҳнатини ташкил этиш ва бўш вақтини кўнгилли ўтказиш учун қулай шароит яратади, оилага ёрдам беради. Шу билан бирга мактабда дарсдан кейинги тарбия жиддий қайта қуришга муҳтождир. Уй вазифаларини бажаришда ўқувчиларга педагогик ёрдам бериш билан бирга мана шундай мактаблар ишининг мазмунини қизиқарли машғулотлар билан тўлдириш, болаларга оила шароитига яқин бўлган меҳрибонлик муносабати муҳитини яратиш муҳимдир. Моддий шарт-шароитлар вужудга келтирилишига қараб, аҳолининг мана шундай мактабларга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун уларнинг тармоғини ривожлантириш зарур. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига кичик комплектли мактабларда куни узайтирилган группалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

27. Мактабдан ташқари муассасалар — пионер саройлари, уйлари, ёш техниклар ва табиатшунослар, туристлар станциялари, спорт, музика, бадиий ва хореография мактаблари, болалар кутубхоналари, пионер лагерларини янада ривожлантириш келгусида ҳар бир районда фаолиятнинг турли-туман йўналишлари билан болаларни машғул қилувчи мактабдан ташқари муассасалар комплексини вужудга келтиришга олиб бориши керак.

Истиқомат жойларида ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар тубдан яхшилансин.

Барча ўқувчиларни ўқишдан ташқари вақтда тарбиявий ишнинг хилма-хил оммавий ва якка формаларига жалб этиш муҳимдир. Уларнинг ҳаваскорлиги, тимурчилар ҳаракати ривожлантирилсин, қизиқишларга қараб клублар, техникавий ва бадиий ижодкорлик тўгараклари, спорт секциялари барпо этилсин. Халқ дапутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уй-жой массивларида болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун бинолар ажратиш ва ускуналаш имкониятларини қидириб топсинлар. Янги уй-жой кварталларининг лойиҳаларида мана шундай бинолар кўзда тутилсин.

Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мактаб микрорайондаги ўқувчилар билан актив тарбиявий иш олиб борадиган марказ бўлиб қолсин. Бу ишга ота-оналар, жамоатчилик, меҳнат, аввало, ишлаб чиқариш коллективлари жалб этилсин, ёш ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, студентлар орасидан комсомол педагогик отрядлар тузилсин.

Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги, мактабдан ташқари муассасалардаги ва истиқомат жойларидаги бутун ўқишдан ташқари тарбиявий ишни ташкил этиш халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, халқ маорифи бўлимлари зиммасига юклатилсин. Бу ишда шаҳар ва район комсомол комитетлари, касаба союз комитетлари, кўнгилли жамиятлар янада актив роль ўйнашлари лозим.

28. Совет давлати соғлиғи жиҳатидан оддий шароитларда ўқий олмайдиган болалар ва ўсмирлар тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Улар учун мактаб-интернатлар, санаторий-ўрмон мактаблари ва бошқа махсус таълим-тарбия, муассасалари тармоғи ташкил этилган ва ривожлантирилмоқда. Бу жойларда таълим ва тарбия малакали даволаш билан қўшиб олиб борилади. Мазкур муассасаларда болалар батамом давлат ҳисобидан боқилади. Халқ маорифи системасининг шу бўғини ишини бундан буён ҳам такомиллаштириш, болаларни ҳар томонлама эътибор ва меҳрибонлик билан қуршаб олиш, уларни мустақил турмушга ва меҳнатга яхшироқ тайёрлаш керак.

Болалар уйларидаги ва оддий типдаги мактаб-интернатлардаги моддий-маиший шароитлар яхшиланиши ҳам зарур.

29. Оилага ёрдамни кучайтириш ва айни вақтда ёш авлодни тарбиялаш учун унинг масъулиятини ошириш лозим. Болаларни тарбиялаш —СССР гражданларининг Конституцияга ёзиб қўйилган бурчидир. Ота-оналар мактаб ва ўқитувчининг обрў-эътиборини ҳар томонлама кўтаришлари, болаларни меҳнатни севиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашлари, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлашлари, тартибга, интизомга, жамиятимиз турмушининг нормаларига риоя этишга ўргатишлари, уларнинг жисмоний камол топиши ва соғлиғини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг ўз вақтида умумий ўрта ва ҳунар таълими олиши учун зарур шароитларни яратиб беришлари, ўзларининг меҳнатга ва ижтимоий вазифаларга муносабати билан ҳамма ишда болаларга намуна кўрсатишлари лозим. Болалар эса, ўз навбатида ота-оналари ва катта ёшдаги кишилар ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат коллективларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашларига ва ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ. Касаба союз комитетларининг болалар ва ўсмирлар тарбиясида оилага ва мактабга кўмаклашувчи комиссиялари (кенгашлари) фаолиятини активлаштириш, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа таълим-тарбия муассасалари ҳузуридаги ота-оналар комитетларининг иш таъсирчанлигини ошириш, тўгаракларнинг машғулотларини ўтказишга ота-оналарни кенгроқ жалб қилиш зарур.

Меҳнат коллективлари болалар тарбиясини доимо диққат марказида тутишлари, бу ишда ота-оналарга ёрдам беришлари ва оилавий тарбиядаги нуқсонлар ва камчиликлар учун улардан қаттиқ жавоб талаб қилишлари лозим. Болаларнинг тарбияси учун ота-оналарнинг масъулиятини кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

Оилавий тарбияни яхшилашда ота-оналарнинг педагогик умумий таълими системасини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди. Педагогика билимларини оммалаштиришда матбуот, телевидение ва радиодан, оғзаки пропагандадан, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

VI. СОВЕТ ЖАМИЯТИДА ЎҚИТУВЧИ

30. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчига, унинг ғоявий эътиқодига, касб маҳоратига, истеъдоди ва маданиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Халқ ўқитувчиси — ёш шахснинг маънавий дунёси меъморидир, жамиятнинг ишончли кишисидир, жамият ўқитувчига энг азиз, энг қимматли бўлмиш болаларини, ўз умидини, ўз келажагини ишониб топширади. Бу ғоят олижаноб ва жуда қийин касб, ўз умрини шу касбга бағишлаган кишидан доимий ижодкорликни, тинимсиз фикрлашни, зўр қалб саховатини, болаларга меҳр-муҳаббатни, ишга астойдил садоқатни талаб қилади. Ўқитувчи ўзининг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги фидокорона, маърифатпарварлик меҳнати билан халқнинг чуқур миннатдорчилиги ва ҳурматини қозонган. Совет ўқитувчиларининг кўп миллионли отряди — мамлакатимизнинг ифтихори, ёшларни тарбиялашда партиянинг ишончли таянчидир.

Партия жамият турмушида ўқитувчининг ролини, унинг обрў ва эътиборини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқда. «Халқ ўқитувчиси бизда шундай бир юксак даражага қўйилмоғи лозимки, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — у буржуа жамиятида ҳеч қачон бундай юксак даражага кўтарилмаган, кўтарилмаяпти ва кўтарилиши ҳам мумкин эмас. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ўқитувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш борасида ҳам, уни ҳақиқий юксак унвонга лойиқ бўлишга ҳар тарафлама тайёрлаш борасида ҳам муҳими, муҳими ва энг муҳими унинг моддий аҳволини яхшилаш борасида ҳам мунтазам, оғишмай, зўр бериб иш олиб бориш йўли билан юқорида айтилган ҳолга эришмоғимиз лозим».

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи совет ўқитувчилари олдига янги вазифалар қўймоқда. Партиянинг ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш соҳасидаги программавий йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган ёш авлодларни вояга етказиш керак.

31. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни анча яхшилаш — халқ маорифи системасини ислоҳ қилишнинг ажралмас қисмидир. Бўжалак—ўқитувчиларга, тарбиячиларга энг замонавий билимларни ўргатиш ва уларни амалий жиҳатдан яхши тайёрлаш лозим. Шу мақсадда педагогика олий ўқув юртлари ва билим юртларининг ўқув планлари ҳамда программалари қайта ишлансин, улар турмуш талаблари билан маҳкам боғлансин. Студентларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва мактаб ўқувчиларига касб ўргатиш методлари курсларини ўрганиши кўзда тутилсин. Психологик-педагогик тайёргарлик савияси оширилсин, практиканинг ташкил этилиши ва мазмуни яхшилансин. Этика ва эстетика, логика, совет ҳуқуқини ўқитиш, тарбиявий иш методикаси кенгайтирилсин. Педагогика институтларида зарур шароитлар яратилишига қараб таълимнинг беш йиллик муддатига ўтиш, педагогика ўқув юртларини юқори сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, педагогика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин.

Университетларда ўқитувчилар тайёрлаш сифати оширилиши, уларнинг педагогика олий ўқув юртларига илмий тадқиқотларни ривожлантиришдаги, илмий-педагог кадрлар малакасини оширишдаги ёрдами кучайтирилиши лозим.

Умумий таълим мактабларининг, ҳунар-техника билим юртларининг, ўрта махсус ўқув юртларининг, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларнинг педагогларга, тарбиячиларга, ишлаб чиқариш таълими мастерларига ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла таъминлаш, инженер-педагогик маълумот беришни ривожлантириш зарур. Маорифнинг ҳамма бўғинлари учун фақат олий педагогик маълумотли ўқитувчилар ва тарбиячилар тайёрлашга ўтишни амалга ошириш учун шароит яратилсин.

32. Болалар билан ишлашга иштиёқи бўлган ёшларни ўқишга танлаб олиш— маориф органларининг, педагогик кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларининг энг муҳим вазифасидир. Йигитларни педагогика ихтисослари бўйича ўқишга қабул қилишни анча кенгайтириш керак. ВЛКСМ Марказий Комитети мактабларни, билим юртларини битириб чиқувчиларни, СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилган шахсларни ишлаб чиқаришдан келган ёшларни, педагогика олий ўқув юртларига ва университетларнинг тегишли факультетларига комсомол йўлланмалари билан юбориб турсин. Педагогика ўқув юртларига мактабларнинг ва ўрта ҳунар-техника билим юртларининг педагогика советлари меҳнат коллективлари, халқ маорифи органлари тавсиялари билан студентлар қабул қилиш тажриба қилиб кўрилсин.

33. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш системаси янада такомиллаштирилиши лозим. Педагоглар маҳоратини ошириш, илғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштиришнинг илмий-методика марказлари бўлмиш ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ривожлантирилсин. Бу институтларда тегишли кафедралар ташкил қилинсин, уларда ишлаш учун малакали мутахассислар жалб этилсин. Қоида тариқасида педагог ҳар тўрт-беш йилда бир марта қайта тайёргарликдан ўтиб туриши мақсадга мувофиқдир.

Халқ маорифи ходимларининг сиёсий ўқишига, уларнинг марксизм-ленинизм назарияси, КПСС сиёсати, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш актуал проблемаларини ўрганишига эътибор кучайтирилсин. Ўқитувчининг ўз маълумотини доимо ошириши ва такомиллаштириши учун унга ҳамма зарур шароитлар яратиб берилиши, уни сиёсий, илмий ва бадиий адабиёт билан таъминлаш яхшиланиши керак.

34. Халқ депутатлари Советлари, халқ маорифи органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари педагог кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши, уларнинг қўнимсизлиги қисқартирилиши юзасидан зарур чораларни кўришлари, ўқитувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, уларга медицина хизмати кўрсатишни, санаторийларда даволанишини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари, уларга уй-жойни биринчи навбатда беришлари лозим. Энг яхши педагогларнинг ишини маънавий ва моддий рағбатлантириш практикаси кенгайтирилсин. Биринчи сентябрь кунини умумхалқ байрами — Билимлар куни деб эълон қилинсин. Меҳнат Шуҳрати ордени статусига ўзгартириш киритиб, болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришдаги муваффақиятлари учун ўқитувчиларни ва халқ маорифининг бошқа ходимларини шу орден билан мукофотлаш мумкинлиги кўзда тутилсин.

Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг, ишлаб чиқариш таълими мастерларининг, методистларнинг ва халқ маорифи системаси бошқа ходимларининг иш ҳақи оширилсин.

35. Педагогика фани мактаб ишининг савиясини ва самарадорлигини оширишга янада салмоқли ҳисса қўшиши лозим. Бу фаннинг ҳаёт билан, мактаб практикаси билан боғланишини кучайтириш жуда муҳимдир. СССР Педагогика фанлари академияси, педагогика илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва университетлар умумий таълим ҳамда ҳунар мактабининг актуал проблемаларини ишлаб чиқишда тубдан бурилиш ясасинлар.

Тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қилиш, уларнинг натижаларини практикага кенгроқ жорий этиш зарур. Педагог олимларнинг, психологлар, дидактиклар, методистларнинг илмий асарлари конкрет тавсияномаларда, ўқув ва методик қўлланмаларда ўз ифодасини топиши керак.

Педагогика билимларини пропаганда қилишни кучайтириш, илғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида Бутуниттифоқ педагоглар жамияти тузилсин ва СССР халқ маорифи марказий музейи барпо этилсин.

VII. МАОРИФНИНГ ЎҚУВ-МОДДИЙ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

36. Умумий таълим ва ҳунар мактаби ўқувчиларининг, мактабгача тарбия муассасалари, интернатлар ва бошқа муассасаларда тарбияланувчиларнинг кўпайиши, таълим-тарбия вазифаларининг мураккаблашуви, меҳнат таълимининг кенгайиши маорифнинг моддий базасини янада ривожлантиришни, мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Келгусида мактабгача тарбия муассасаларига бўлган талаб-эҳтиёжларни тўлиқ қондириш, куни узайтирилган группалар учун ва мактабларнинг бир сменада ишлаши учун, олти ёшдаги болаларни ўқитиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, меҳнат таълими, ўқишдан ташқари вақтда болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун зарур базани яратиш каби проблемаларни ҳал этиш лозим. Бунинг учун айниқса янги районларда мактаблар, устахоналар ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасалари, педагогика ўқув юртлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, педагог ходимлар учун уй-жойлар, ўқувчилар учун ётоқхоналар ва интернатлар қурилишининг кенг программасини амалга ошириш керак.

Ўқув юртларининг биноларини ҳамда ётоқхоналарни қуриш, ремонт қилиш ва жиҳозлаш учун давлат ва кооператив корхоналарнинг, совхозлар ва колхозларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш уларга шу мақсадлар учун маблағ ҳамда ресурслар ажратиш ҳуқуқини бериш лозим. Ўқув юртлари биноларининг замонавий таълим-тарбия жараёни талабларини ҳисобга олувчи янги лойиҳалари ва қурилиш нормативлари ишлаб чиқилиши зарур.

37. Министрликлар билан идоралар малакали ишчилар тайёрлашни кенгайтириш учун ўрта ҳунар-техника билим юртлари тармоқларини ривожлантиришга капитал маблағ сарфлашни кўпайтиришлари керак. Корхоналарни реконструкция қилиш билан айни бир вақтда улар базасида ишлаб турган билим юртлари, ўқув комбинатлари, цехлари, участкалари, устахоналари техника билан қайта таъминланиши лозим.

Ўқув жиҳозлари, кўргазмали ўқув қуроллари ва таълимнинг замонавий техника воситаларини, мебеллар, станоклар асбоблар, электрон-ҳисоблаш техникаси, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарур.

VIII. ХАЛҚ МАОРИФИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

38. Умумий ўрта ва ҳунар таълимнинг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора яқинлаштириб, бирлаштирмоқда. Бошқарув органлари ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Шундай сиёсатни яна ҳам изчилроқ амалга ошириш, маориф системаси турли бўғинларининг фаолиятини самарали равишда мувофиқлаштириш, маорифга ва профессионал таълимга амалий раҳбарликни кучайтириш мақсадида марказда ва жойларда: СССР Министрлар Советидан бошлаб халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларигача бўлган даражада идоралараро комиссиялар тузилсин. Бу комиссиялар зиммасига ўқув юртларини планлаштириш ва комплектлаш, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларни битириб чиққанидан сўнг ўқишни давом эттираётган ёшларни тақсимлаш, меҳнат тарбияси ва таълими учун шароитлар яратиш моддий базани ривожлантириш ва ундан фойдаланишга доир принципиал масалаларни ҳал этиш юклатилсин.

39. Халқ маорифини бошқариш органларининг иш услуби ва методларини қатъиян яхшилаш чоралари кўрилсин.

Маорифнинг аҳволи чуқур анализ қилиниши, ўқув планлари ва программалари, дарсликлар ва методик адабиётни такомиллаштириш таъминлансин.

Мактаб ва бошқа ўқув тарбия муассасалари устидан инспекторлик назорати системаси тартибга солинсин, педагогик коллективни жонли, ижодий ишдан — ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашдан чалғитадиган турли хил кўрсатмалар, ҳисоботлар ва талабномалар кескин камайтирилсин. Таълим ва тарбия ишидаги илғор тажрибани ўрганишга, пропаганда қилиш ва жорий этишга кўпроқ эътибор берилсин, новаторларнинг ташаббусларини менсимасликка ҳам шу ташаббусларнинг ўйламасдан юзаки оммалаштирилишига ҳам йўл қўйилмасин.

Мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ишини ташкил этишда, педагог кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини оширишда, мактабнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашда, меҳнат таълимини ва касб танлашга ўргатишни, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, ҳунар-техника билим юртлари, корхоналарнинг таълим цехлари базасида юқори синф ўқувчиларининг бошланғич профессионал тайёргарлигини ташкил этишни яхшилашда маорифни бошқариш район бўғинининг муҳим роль ўйнашини ҳисобга олиб мустаҳкамлансин. Район бўғини таълим-тарбия муассасаларини хўжалик жиҳатдан таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олиши лозим.

Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари директорларининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш борасидаги ижодий ишлари учун шарт-шароитларни яхшилаш, уларнинг ўқув нагрузкасини камайтириш зарур. Синф раҳбарининг роли ва обрў-эътибори бутун чоралар билан оширилсин, унга ҳар томонлама ёрдам берилсин. Ўқитувчи ва умуман мактаб ишига баҳо беришнинг илмий асосланган мезони ишлаб чиқилсин, ўқувчиларнинг билимини холисона баҳолашда уларнинг масъулияти оширилсин. Мактабнинг ва ўқитувчининг ишига биринчи навбатда тарбияланувчилар билимининг чуқурлиги ва мустаҳкамлигига, уларнинг ғоявий ва маънавий фазилатларига қараб, улар ҳаётга ва меҳнатга қандай тайёрланганликларига қараб баҳо берилиши керак.

40. Қишлоқ мактаби алоҳида эътиборга муҳтождир. Шу мактабнинг аҳволи ва иш савияси қишлоқни социал ривожлантиришга, ёшларнинг муқим ўрнашиб қолишига, қишлоқ аҳолисининг маданий савиясини оширишга, қишлоқда демографик муаммоларни ҳал этишга катта таъсир ўтказмоқда. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, агросаноат бирлашмаларининг куч-ғайрати қишлоқ мактабларининг иш шароитини тубдан яхшилашга, шу мактабларни малакали педагог кадрлар билан мустаҳкамлашга, таълим-тарбия жараёнининг сифатини оширишга, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашни ва уларни касб танлашга ўргатишни яхшилашга, уларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда актив қатнашиш иштиёқи руҳида тарбиялашга қаратилиши лозим.

41. Мактаб тўғрисида ғамхўрлик — умумпартия, умумхалқ иши. Партия комитетлари КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорларига амал қилиб, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ҳаётини чуқур ўрганишлари, уларнинг фаолиятида вужудга келадиган проблемаларни ўз вақтида пайқаб, уларни ҳал қилиш йўлларини белгилашлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг эътиборини мактабга қаратишлари керак. Халқ маорифи муассасалари ишининг энг муҳим масалалари, улардаги партия ташкилотларининг ҳисоботлари партия комитетларининг пленумлари ва бюроларида мунтазам суратда кўриб чиқилиши лозим.

Педагог кадрларнинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ленинча, доимий ғамхўрлик қилиш, партия ва ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари тўғрисида ўқитувчиларни оператив равишда хабардор қилиб туриш — партия комитетларининг бурчидир. Ўқитувчига зўр эътибор бериб ва одоб билан муносабатда бўлиш, педагогларни таълим ва тарбия ишларига алоқадор бўлмаган топшириқларни бажаришга жалб этмаслик зарур. Педагогик меҳнат ветеранлари тўғрисида ғамхўрлик қилинсин, ёшларни тарбиялашда уларнинг катта ҳаёт тажрибасидан активроқ фойдаланилсин.

Ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик яхшиланиши лозим. Педагогик коллективларни жипслаштириш ва мустаҳкамлаш, соғлом маънавий ва психологик иқлимни, чинакам ижодкорлик, коллегиаллик ва жавобгарлик муҳитини вужудга келтириш — ана шу бошланғич партия ташкилотларининг вазифасидир. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари ўртасида партияга қабул қилинувчиларни кўпайтириш, партия сиёсатини амалий равишда рўёбга чиқаришда коммунист ўқитувчиларнинг авангардлик ролини ошириш зарур.

Янги босқичда умумий таълим ва ҳунар мактабининг вазифаларини ўқув юртлари партия ташкилотларининг ва улар коллективларининг энг яхши иш тажрибасини, совет ўқитувчиларининг фидокорона меҳнатини газета ва журналларнинг саҳифаларида, радио ва телевидение орқали омилкорлик билан мунтазам ёритиб бориш зарур.

* * *

Халқ маорифини такомиллаштириш — Коммунистик партия билан Совет давлати сиёсатининг энг асосий масалаларидан биридир.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш умумдавлат миқёсидаги йирик тадбир, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик катта воқеа бўлади. Педагоглар бир қанча авлодларининг меҳнати билан қўлга киритилган, совет мактаби ва педагогика фани эришган барча қимматли ютуқлар, замон синовидан ўтган жамики илғор нарсалар авайлаб асралиши ва актив равишда фойдаланилиши керак. Шу билан бирга маорифни такомиллаштириш ва ёшларни тарбиялашнинг ҳаёт ўртага қўйган, ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим талаб-эҳтиёжлари тақозо этган, етилган масалалари ҳал этилиши лозим.

Ислоҳотнинг асосий тадбирлари босқичма-босқич, ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликлар (1984—1990 йиллар) мобайнида амалга оширилсин. Ҳар бир иттифоқдош ва автоном республикада, ўлка, область, шаҳар, районда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, ислоҳотни амалга ошириш боришининг конкрет планларига эга бўлиш керак.

Мактабни қайта қуриш иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларидан, Министрлар Советларидан, маҳаллий, партия ва совет органларидан касаба союз ва комсомол ташкилотларидан, халқ маорифи органларидан катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни талаб этади. Ҳар бир меҳнат коллективи, корхона, колхоз, муассасанинг, министрликлар ва идораларнинг, жамоат ташкилотларининг ҳар бир раҳбари учун, барча ота-оналар учун мактаб иши уларнинг жонажон иши бўлиб қолиши лозим.

Ислоҳот мақсадлари олижаноб, юксак маънавий, инсонпарвар мақсадлардир. Шу мақсадларни рўёбга чиқариш совет кишиларининг маълумот ва маданият савиясини ошириш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлади, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни ҳаётга ва меҳнатга, актив жамоат фаолиятига тайёрлаш учун энг яхши шарт-шароитларни яратади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлашга, жамиятимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга, унинг коммунизм сари олға боришига самарали таъсир ўтказади.

● САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

«ТУМАРИС» БАЛЕТИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ

КЕЧА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб яратилган «Тумарис» балетининг премьераси бўлди. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреати, таниқли композитор Улуғбек Мусаевнинг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпослари ва Я. Илёсовнинг тарихий асари асосида яратган янги балетини пойтахтимиз санъат муҳлислари катта олқиш билан кутиб олишди. Улуғбек Мусаев атоқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосидаги «Ҳинд достони» балети ва «Мангулик» опералари-да бўлгани каби янги балет асари учун ҳам нафис шарқона оҳангларга ҳамоҳанг ажойиб музика яратган. У эрамиздан олдинги IV асрда босқинчиларга қарши озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борган шаклар қабиласи ва уларнинг гўзал, жасур ва оқила маликаси Тумарис жасоратини тараннум этади.

Тумарис жасорати ва қаҳрамонликлари ҳақидаги янги балет асарини Ўзбекистон ССР халқ артисти Иброҳим Юсупов саҳналаштирди. Рассом А. Феско томонидан яратилган саҳна безаклари ҳам тарихий даврни томошабин кўз ўнгида ёрқин намоён этади.

Спектаклдаги Тумарис образини балет артистлари IV халқаро конкурси лауреати, республикада хизмат кўрсатган артист Замира Давлетмуродова ва республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Феруза Саъдуллаевалар яратишди.

СУРАТДА: «Тумарис» балетидан саҳна.

О. Гордин фотоси.

ЎСМИРЛАР КОРТГА ЧИҚИШАДИ

Бугун Тошкентдаги «Динамо» теннис стадионининг кортларида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соврини учун IV халқаро турнир баҳслари бошланди.

Тошкент турнири анъанавий бўлиб қолди. Биринчи баҳслар 1981 йилда ташкил этилган эди. Ҳозир у энг йирик халқаро мусобақалардан бирига айланди.

Бу йилги турнирда Болгария, Венгрия, ГДР, Греция, Кипр, Польша, Румыния, Чехословакия, ГФР, Югославия, Швеция мамлакатимиздаги барча иттифоқдош республикалар, шунингдек Ўзбекистондан келган юздан зиёд йигит ва қиз иштирок этмоқда.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

18-22 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

УЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН БАҲОРГИ-ЁЗГИ АССОРТИМЕНТДАГИ МОЛЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН

Пойтахтнинг Марказий универсал магазинида беш кун мобайнида ишлайдиган кенгайтирилган савдо-кўргазмасига Ўзбекистон енгил ва маҳаллий саноат министрликларининг ўттиздан зиёд саноат корхонаси ўз маҳсулотларини етказиб беради.

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ:

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Республика кийимлар моделлари уйи;

Тошкент парфюмерия-косметика фабрикаси;

Марғилон шойи газламалар фабрикаси;

Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси;

Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Самарқанд тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкентдаги 1 ва 2-пойафзал фабрикалари;

Қўқон, Фарғона, Чирчиқ пойафзал фабрикалари;

Тошкентдаги чарм-галантерея ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкент заргарлик буюмлари заводи;

Риштон ва Хива бадиий керамика буюмлари заводлари;

Хива гиламдўзлик комбинати;

Тошкент, Самарқанд ва Қувасой чинни буюмлари заводлари ва бошқа корхоналар;

Савдо кўргазмасининг мақсади — харидорларнинг баҳорги-ёзги ассортиментдаги молларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, маҳаллий ишлаб чиқариш, шу жумладан кўргазмага кўп бўлмаган партияларда қўйиладиган молларга бўлган талабни аниқлаш. Харидорларнинг фикрича энг яхши деб топилган моллар шу йилнинг ўзида сериялаб ишлаб чиқариш учун қабул қилинади.

Савдо кўргазмасида саноат корхоналарининг вакиллари қатнашадилар.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ СИЗЛАРНИ ЦУМГА ЧОРЛАЙМИЗ!

Сиз қандай молни харид қилиш ниятидасиз? Албатта, биринчи навбатда баҳорги кийим-кечакларни.

Сизларни хотин-қизлар учун аталган моллар жойлашган учинчи қаватга таклиф этамиз. Бу ерда махсус ажратилган секцияларда баҳорги-ёзги ассортиментдаги кийимлар сотувга қўйилган.

Республика кийимлар моделлари уйи ёшлар кийим-кечакларининг янги мажмуасини сотиш учун тайёрлади. Бу кийимлар ўта модали либосларни севиб киядиган ёшларнинг дидини ҳисобга олиб тикилган.

Бу кийимлар вильвет ва фланел типидаги газламадан тикилган костюмлар, вильветдан тайёрланган шимлар, Болтиқбўйи республикаларида ишлаб чиқарилган ацетат шойидан тикилган жинси юбкалар, фольклор услубидаги ёшлар кийимлари комплектлари, япон акрилидан тикилган дам олиш либослари, шойи ва трикотиндан тикилган кўйлаклардан иборат.

Савдо кўргазмаси очилиши олдидан республика кийимлар моделлари уйи 1985 йилги тавсия қиладиган истиқболли либослар моделлари намойиш этилади.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш тикув бирлашмаси ёш ва ўрта ёшдаги хотин-қизлар учун ҳаммаси бўлиб 28 номда буюмларни таклиф қилади. Бу либосларнинг 80 проценти «Н» —янгилик белгиси билан чиқарилмоқда. Улар ўта модали буюмлар тайёрлаш учун ихтисослаштирилаётган цехда тикилган.

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси кузги-қишки мавсум учун либосларни тавсия қилади;

плашчлар, мавсумбоп ва қишки пальтолар. Сукно-жун газламасидан безакли чокда, модали қиёфада, қимматли мўйна (тулки, қоракўзан) ёқали пальтолар, сунъий чарм ва тукли газламадан тикилган плашчлар.

Бирлашма ҳаммаси бўлиб 10 моделда либосларни тавсия этмоқда. Шундан олтитаси истиқболлидир.

Кишини ясантирадиган янги либосларни сотиб олдингиз дейлик. Мана энди учинчи қават бўйлаб саёҳатимизни давом эттирамиз. Чунки сизнинг либосларингизга мос келадиган қўшимча безак буюмларни ҳам олиш лозим бўлади. Биринчи навбатда сумкаларга эътибор берайлик.

Тошкентдаги чарм-галантерея ва спорт товарлари бирлашмаси савдо кўргазмаси учун сумкаларнинг 40 та моделини танлаб берди. Улар орасида майин газлама, табиий чарм ва замшдан, шунингдек капронвинил ва капронацетат янги материаллардан тикилган сумкалар бор.

Бу бирлашманинг моллари учун алоҳида ажратилган секцияда сиз табиий чармдан тикилган қўлқоплар, кўзойнаклар ва калитлар учун ғилофлар, «косметичка»лар сотиб олишингиз мумкин.

Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасининг маҳсулотлари ҳамма учун — хотин-қизлар, эркаклар ва болалар учун мўлжалланган. Энг аввало хотин-қизлар учун аталган зеболик буюмлари ҳақида фикр юритайлик. Булар духилар, кремлар, упалар, лаб бўёқлари, қовоқ учун бўёқлардир...

Савдо кўргазмасининг иш кунларида сиз балки парфюмерия-косметика буюмлари сотиш бўйича намойишга қўйилган молларнинг кенг ассортиментига эътибор берарсиз. Булар аллақачон шуҳрат қозонган, шунингдек эндигина ишлаб чиқарила бошланган янги — «Легенда», «Для вас», «Коппелия», «Гармония», «Ноктюрн» атирлари; эркаклар учун — «Командор», «Спорт-клуб», «Консул», «Миф», «Оазис», «Достон», «Колорит» одеколонларидир.

«Н» индекси билан тўққиз моделда эркаклар костюмлари намойишга қўйилган бўлиб, буларни **Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги** номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси тавсия этмоқда. Бу костюмлар классик, спорт услубида тикилган. Шунингдек тройка костюмлари ҳам бор.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси оқ тусдаги безакли кўйлаклар, белбоғ билан ажратилган жемперларни, йўл-йўл ҳошиялар билан самарали безакланган жун матоли спорт костюмларини харидорларнинг кенг диққатига ҳавола қилади.

Тошкент, Қўқон, Фарғона ва Чирчиқ пайафзал фабрикалари хотин-қизлар ва эркаклар учун баҳорги-ёзги ассортиментидаги пойафзаллар—сандалетлар, калта қўнжли ботинкалар, ёзлик туфлиларни сотиш учун тайёрлайди.

Газламалар билан савдо қилувчи секцияга ҳам кириб ўтишни унутмангиз. Тўғри, албатта кўпгина кишилар тайёр либосларни сотиб олишни афзал кўришади. Бунинг учун кўп овора бўлинмайди. Иш тез ва ташвишсиз битади. Либос кўнглингиздагидан ҳам зиёда бўлади. Лекин ягона нусхада, фақат сиз учун атайлаб тикилган жозибали кўйлак ҳамиша мафтункор бўлиб кўринади.

Марказий универсал магазини Биринчи Май байрами кунларига қизғин тайёргарлик кўриш яқинлашиб келаётганлигини ва барча харидорлар бу байрам учун совғалар танлаш билан қизиқишаётганлигини инобатга олиб совға буюмлари бўлимларини совғалар, биллур шиша, керамика идишлари — айниқса кенг ассортиментдаги моллар билан мўл-кўл таъминлади. Бу молларнинг ўнтасини кўриб, бирини танланг.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ (телефон 33-54-50).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ИШ КУНЛАРИДА
МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГ МАГАЗИНИНИНГ
НАМОЙИШЛАР ЗАЛИДА САВДО-КЎРГАЗМАСИГА
ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ЛИБОСЛАРНИНГ
МОДЕЛЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

1-ҚАВАТДА

чинни, биллур, шиша, керамика, гиламлар, полослар, совғалар



2-ҚАВАТДА ЭРКАКЛАР УЧУН

костюмлар, пиджаклар, шимлар, плашчлар, курткалар, кўйлаклар, трикотаж буюмлари, пойафзаллар, чарм-галантерея, газламалар.

3-ҚАВАТДА ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

пальтолар, курткалар, кўйлаклар, блузкалар, юбкалар, трикотаждан тайёрланган буюмлар, пойафзаллар, чарм-галантерея буюмлари.



душанба

16 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.40 «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони таъсис этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Ватанга хизмат қиламан», «Саодат», «Деҳқон фарзанди».
18.50 «Биргаликда аҳил оиламиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Икки океан орасида». Телеочерк.
20.00 А. М. Горький. «Қуёш фарзандлари». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Қуёш фарзандлари». Фильм-спектаклнинг давоми.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Советская женщина» журналининг соврини учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Халқ истеъмоли молларига —юқори сифат». «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж.
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ҳ. Олимжон. «Зайнаб ва Омон».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Ф. Шукурова, Р. Неъматов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 1-қисм.
24.00 Янгиликлар.

сешанба

17 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.35 А. М. Горький. «Қуёш фарзандлари». Фильм-спектакль.
13.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Унинг истиқболи», «Ақл ва довюраклик».
15.50 «Билимимиз —қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
16.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
17.40 «Сибирь бўйлаб саёҳат». Кинопрограмма.
18.15 «Ўғлим — курсант». «Оила ва мактаб туркумидан.
18.45 «Футбол шарҳи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 «Хатларни кутинг». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 «Командор ороллари. Медний ороли». Илмий-оммабоп фильм.
9.55 —10.15 «Фидойилик». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 —12.40 «Шахмат мактаби».
14.05 Н. С. Лесков. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.00 «Тарих саҳифалари». «Ватан қаҳрамонлари» («Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони таъсис этилганлигининг 50 йиллигига).
15.45 «Драматургия ва театр». К. Симонов. «Рус кишилари».
16.30 СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар намунали-кўргазмали оркестри чалади.
17.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
19.50 —20.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Кеча келибоқ...» Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.
24.00 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Қизил велосипед». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Мен севган шаҳар». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Куйловчи Чимён». Эстрада программаси (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Рассом Рўзи Чориев». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
20.00 ЎзССР Министрлар Совети соврини учун теннис бўйича IV Халқаро турнирнинг очилиши. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган).
20.30 «Ахборот».
20.50 Санъат усталари ижросида классик халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.20 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Янгиликлар.

теат

НАВОИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 17/IV
ҳир ва Зуҳра, 18/IV
ҳақида афсона.
ҲАМЗА НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 17/IV
ила хизматчи, 18/IV
МУҚИМИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
РИДА — 16/IV да
дин томоша, 18/IV да
ошиқ.

кино

16 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМ
«ОМАД ПАЛЛАСИ» —
ка (жуфт соатларда,
77-06-20).
«ИНГЛИЗ КАРАБИ
ГИ УЧ ГИЛЬЗА» —
(жуфт соатларда), Друж
ва жуфт соатларда,
66-15-75).
«ЁШЛИК РЕЦЕПТ
Восток (жуфт соатлар
фон 91-14-61).
«XX АСР ҚАРОҚЧИ
— **Нукус** (тоқ соатлар
фон 46-70-69).
«ЁЛҒИЗЛАР ЕТО
БИЛАН ТАЪМИНЛА
— **Лисунов номли** (то
ларда, телефон 96-34-0
«КИМ СЕВИБ ТА
КЕТАДИ» — **ВЛКСМ**
лиги (тоқ соатларда,
33-44-52).
«ОСМОН ДАРВОЗА
Искра (жуфт соатлар
фон 39-14-59).
«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА
ҚОБ» — **Қозоғистон**
жуфт соатларда, теле
24-92).
«ҚАСОС ВА ҚОНУ
Санъат саройи (16,
20.45, телефон 44-21-7

17 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛ
«ОМАД ПАЛЛАСИ» —
ка (жуфт соатларда,
77-06-20).
«ИНГЛИЗ КАРАБИ
ГИ УЧ ГИЛЬЗА» —
(жуфт соатларда), Друж
ва жуфт соатларда,
66-15-75), **Москва** (то
ларда, телефон 33-05-0
«ЁШЛИК РЕЦЕПТ
Восток (жуфт соатлар
фон 91-14-61).
«XX АСР ҚАРОҚЧ
— **Нукус** (тоқ соатлар
фон 46-70-69).
«ЁЛҒИЗЛАР ЕТО
БИЛАН ТАЪМИНЛА
— **Лисунов номли** (то
ларда, телефон 96-34-0
«КИМ СЕВИБ ТА
КЕТАДИ» — **ВЛКСМ**
лиги (тоқ соатларда,
33-44-52).
«ОСМОН ДАРВОЗА
Искра (жуфт соатлар
фон 39-14-59).
«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА
ҚОБ» — **Қозоғистон**
жуфт соатларда, теле
24-92).
«ҚАСОС ВА ҚОНУ
Санъат саройи (11, 13.3
18.30, 20.45, телефон
74).

КОРХОНАЛАР ВА
ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИнинг
ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ
НАШРИЁТИ
металл табличкалар та
ёрлаб бериш учун (2, 3
бўёқда)
БУЮРТМАЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Буюртма тиражи 1
нусхадан кам бўлмасл
керак.
Буюртмалар почта ор
ли қабул қилинмайди.
Мурожаат учун адр
700000, Тошкент шаҳ
«Правда Востока» кўча
26-уй. Телефон 32-78-94

«Ташсантехгазмонтаж»
трестининг
ЎҚУВ ПУНКТИ
слесарь-сантехниклар та
ёрлайдиган
1,5 ОЙЛИК КУРСЛАРИ
18 ёшдан бошлаб элек
пайвандчилар (кенг профи
да) тайёрлайдиган
3,5 ОЙЛИК КУРСЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқувчилар ойига 78 сў
дан стипендия оладилар.
Ёлғиз ва бошқа шаҳ
лардан келган кишилар
курслар тугаши билан ёт
хонадан жой берилади.
Трест ишчилари навбат
да уй-жой майдони би
таъминланадилар.
Машғулотлар группа
нинг комплектланишига қ
ра бошланади.
Бизнинг адрес: Тошке
шаҳри, Октябрь райони,
Радиальний проезди, 12-а
уй. 3-Монтаж бошқарма
(10, 23, 27-трамвайлар;
7, 10-автобуслар, 10,
56, 88, 97, 107-автобуслар
нинг, «Ишчилар шаҳарча
си» бекати).

Тошкент шаҳар, Соб
Раҳимов районидаги 1
кечки мактаб томони
Назаров Алишер Ата
вич номига берилган 694
номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТЎҒРИСИДАГИ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП
Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—08212.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.